

2-1-2018

## IMPORTANT ISSUES OF PROVIDING STABILITY OF NATIONAL BANKING SYSTEM

A. Abrayev

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Abrayev, A. (2018) "IMPORTANT ISSUES OF PROVIDING STABILITY OF NATIONAL BANKING SYSTEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Абраев Н.К. – ТМИ,  
доцент, и.ф.н.**

## **МИЛЛИЙ БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, Марказий банк, ликвидлик, ликвидли активлар, регулятив капитал, капиталнинг етарлилиги, молиявий инновациялар, қайта молиялаш ставкаси, очик бозор операциялари, мажбурий захира ставкалари.

В статье выявлены проблемы, связанных с обеспечением стабильности банковской системы Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, Центральный банк, ликвидность, ликвидные активы, регулятивный капитал, достаточность капитала, финансовые инновации, ставка рефинансирования, операции открытого рынка, ставки обязательных резервов.

The article reveals the problems associated with ensuring the stability of the banking system of the Republic of Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

**Key words:** commercial bank, central bank, liquidity, liquid assets, regulatory capital, capital adequacy, financial innovations, refinancing rate, open market operations, reserve requirements.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида қайд этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги вазифалар ва талаблар ўз аксини топган:

– 2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талаб тижорат банклари учун 100 млрд. сўм қилиб белгиланди;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Асака банкнинг валютада шакллантирилган устав капитални ушбу хорижий валюталарни сотиш йўли билан миллий валютада шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди;

– тижорат банкларини уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш мақсадида, тижорат банкларининг:

\* хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлиги шаклланиши устидан назорат қилиш;

\* хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган нақд пулларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш вазифалари бекор қилинди;

\* тижорат банклари фаолиятига умумэтироф этилган замонавий меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий қилиш, банк-молия тизимини халқаро рейтинг ташкилотлари баҳолаши асосида баҳолаш кўрсаткичларини янада такомиллаштириш;

\* Банк назоратининг халқаро принциплари асосида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажарилишини таъминлаш

\* Базель кўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юкланди [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар республикамизда миллий банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш масаласини долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади.

Этироф этиш ўринлики, миллий банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш кўп омилли жараён ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир омилнинг банк тизимининг барқарорлигига таъсир даражасини ва ушбу таъсирнинг ўзгаришини таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий банк тизимининг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, молиявий инновацияларнинг қай даражада банк тизимига татбиқ этилганлиги ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, фоиз ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир қилувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. АҚШда, 1950-йилларда уч ойлик хазина векселлари фоиз ставкаларининг тебраниши 1,0 фоиздан 3,5 фоизгача диапазонда, 1970-йилларда – 4,0 фоиздан 11,5 фоизгача, 1980-йилларда 5,0 фоиздан 15,0 фоизгача бўлган диапазонни ташкил этди. Фоиз ставкаларининг бу қадар кучли тебраниши капитал қийматининг сезиларли даражада ошишига ёки

камаишига олиб келди, инвестицияларнинг қайтиши борасидаги ноаниқлик кучайди [3].

Шунингдек, иқтисодчи олимлар томонидан банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг қуйидаги йўллариининг мавжудлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган:

- банк тизимидаги тизимли рискларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш;
- молиявий барқарорликнинг сифат ва миқдорий индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тизимли рискларни сценарийли моделлаштиришдан фойдаланиш;
- тижорат банкларини стресс-тестлаш амалиётини ривожлантириш [4].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Эдвин Дж. Долан тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда асосий эътибор юқори ликвидли активлар билан юқори даромадли активлар ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди [5].

Э. Долан юқори ликвидли активлар таркибига тижорат банкларининг кассасидаги нақд пулларни, уларнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини, тижорат банкларининг бошқа тижорат банкларидаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиқларини ва инкассация жараёнидаги пул маблағларини киритади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари ялпи даромадларининг умумий ҳажмида фоизли даромадларнинг салмоғи камида 70 фоиз бўлиши керак [6].

Тижорат банклари фоизли даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадлар салмоғининг юқори ва барқарор бўлиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан таклиф этилган соф фоизли спрэд коэффициентини ҳисоблаш методикасидан республикамиз банкларининг кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг барқарорлигини баҳолашда фойдаланиш, фикримизча, муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тараққий этган мамлакатларда банк тизимининг ривожланганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиялаштириш манбаларига бўлган талабларини қондириш имконини беради. Хусусан, банк тизимининг ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга, шу жумладан инвестицион кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.


Эйхенгрин ва Хаусманн томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатларда молия бозорларининг ривожланмаганлиги инвестицияларни молиялаштириш учун зарур бўлган узоқ

муддатли ресурсларни жалб этиш имконини бермайди. Натижада узок муддатли инвестицион лойиҳаларни қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳолатлари юзага келади. Бу эса, трансформация ва ликвидлилик rischi муаммосининг чуқурлашишига олиб келади [7].

Биз қуйида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлик даражасига баҳо берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Марказий банки томонидан банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакат банк тизимининг барқарорлик даражасини ошириш имконини берди. Хусусан, тижорат банклари капиталининг етарлиликка қўйиладиган талабларни босқичма-босқич ошириб борилиши, Марказий банк мажбурий захира ставкаларининг табақалаштирилиши банк тизимининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси қабул қилинди. Ушбу йўриқномада республикамиз тижорат банклари регулятив капиталининг етарлиликка нисбатан белгиланган минимал талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби ўз аксини топди (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг етарлиликка нисбатан белгиланган минимал талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби [8]**

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капиталига ва биринчи даражали

капиталига нисбатан белгиланган минимал талаблар 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб 2019 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда босқичма-босқич ошириб борилади. Ушбу жараёнда, айниқса, биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб сезиларли даражада оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари 2009 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб тижорат банклари депозитларининг муддатларига боғлиқ равишда қуйидаги тартибда табақалаштирилди:

\* талаб қилиб олинган депозитлар ва бир йилгача муддатга жалб қилинган депозитларга нисбатан – 15%;

\* бир йилдан уч йилгача муддатга жалб қилинган депозитларга нисбатан – 12%;

\* 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларга нисбатан – 10,5% [9].

Мажбурий захира ставкаларининг бу тарзда табақалаштирилиши тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларга баҳо берамиз (1-жадвал).

*1-жадвал*

### **Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ҳолати [9]**

Кўрсаткичлар	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
Банклар регулятив капитали миқдори, трлн. сўм	6,5	6,9	7,8	9,4
Тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси, %	24,3	23,8	23,6	23,8

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2016 йилларда республикаимиз тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур давр мобайнида тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси Базель стандарти талабларидан қарийб 3 баробар юқори бўлган. Мазкур ҳолатлар тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб, тижорат банкларига нисбатан ликвидликни қоплаш меъёри коэффицентининг жорий этилганлиги уларнинг

молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларини тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳисобланади.


Мамлакат Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларини юқори эканлиги ва захира талабномаси суммасини банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварақларидан олиб қўйилаётганлиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмоқда. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда Марказий банкларнинг мажбурий захира ставкалари паст бўлиб, захира ажратмалари суммаси банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварағида сақланади.

Тижорат банклари регулятив капитали таркибининг барқарорлигини таъминланмаганлиги бу борадаги долзарб муаммолардан яна бири ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, девальвация захираси республикамиз тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган. Ҳолбуки, Базель стандартига кўра, девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капиталининг таркибига киритиш умуман мумкин эмас.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати нисбатан юқори бўлган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда девальвация захирасини банкларнинг балансида катта миқдорда тўпланиши кузатилмоқда.

Мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги кейинги муаммо – банкларнинг капиталлашиш даражасини халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий талабдан паст эканлигидир.





**2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами регулятив капиталнинг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси, фоизда<sup>[11]</sup>**

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2015 йилларда республикада тижорат банклари регулятив капитали миқдорининг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2016 йилда эса, ушбу кўрсаткичнинг 2015 йилга нисбатан сезиларсиз даражада ўсиши кузатилган. Бунинг устига, таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банкларининг регулятив капитални макродаражада етарли бўлмаганлиги кузатилган. Чунки, тижорат банкларининг регулятив капитали макродаражада етарли бўлиши учун регулятив капиталнинг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси 6 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Монетар сиёсатнинг бозор табиатига эга бўлган инструментларидан (қайта молиялаш сиёсати, очик бозор сиёсати, валюта сиёсати, депозит сиёсати) фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўли билан мажбурий захира сиёсатидан воз кечиш лозим.

Бунинг натижасида мажбурий захира сиёсатининг тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига нисбатан юзага келган салбий таъсири барҳам топади.

2. Девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капитали таркибидан олиб ташлаб, уни банкларнинг даромади сифатида ҳисобга олиш ва захирани ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шакллантиришни йўлга қўйиш лозим.

Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлик даражаси ошади, иккинчидан, Базель кўмитасининг тижорат



банклари регулятив капиталнинг таркибини шакллантиришга қўйилган талабларини бажариш йўлида бир жиддий қадам қўйилади.

3. Давлат томонидан молиявий имтиёзлар қўллаш орқали тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва шунинг асосида банклар регулятив капитали ҳажмининг ўсиш суръатини номинал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишига эришиш зарур.

Ушбу ўринда молиявий имтиёзлар деганда инвесторларнинг тижорат банкларининг оддий акцияларидан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш, муаммоли кредитлар бўйича гаровга олинган мулкларни мулк солиғига тортмаслик ва банклар томонидан чиқарилган узоқ муддатли облигацияларни банкларнинг биринчи даражали капитали таркибида ҳисобга олишга рухсат бериш каби имтиёзлар кўзда тутилмоқда.

Бунинг натижасида тижорат банклари капиталлашиш даражасини халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий андоза талаблари даражасида бўлиши таъминланади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Мишикн Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.
4. Устойчивость банковской системы и развития банковской политики. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 131-140
5. Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.
6. Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся стран. Пер. с англ. – Вашингтон: ИЭР, 1994.
7. Барро Дж.Р., Салаи-и-Мартин Х. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. – 824 с.;
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27.- 27-б.
9. Монетар сиёсат. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
10. Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низом//Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
11. Ялпи ички маҳсулот ([www.stat.uz](http://www.stat.uz).); Монетар сиёсат ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).)